



ЎУК 636.2.034

## ЙИЛ ФАСЛАРИ БЎЙИЧА СИГИРЛАР ҚОНИНИНГ МОРФОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

**Сарсенбаев Қуўатбай Камалбаевич**

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,  
чорвачилик ва биотехнологиялар университети

Нукус филиали таянч докторант

***Аннотация.** Мақолада монбельярд зотли сигирлар қонининг морфологик кўрсаткичлари келтирилади. Хориждан импорт қилинган монбельярд зотли сигирлар Қорақалроғистон шароитида ёз фаслида кўплаб миқдорда тўйимли моддаларга бой яшил озуқалар, жумладан, ҳўл беда билан меъёр даражада озиқлантирилиши уларнинг қонининг морфологик элементлар билан тўйинганлигини кўрсатади. Ушбу маълумотлар монбельярд зотли сигирлар физиологик жиҳатдан соғлом бўлганлигидан далолат беради.*

***Аннотация.** В статье представлены морфологические показатели крови коров монбельярдской породы. Коров породы монбельярд, завезенных из-за рубежа, в условиях Каракалпастана в летний сезон в больших количествах кормили зелеными кормами, богатыми питательными веществами, включая влажную люцерну, на уровне нормы, что свидетельствует о насыщении их рациона морфологическими элементами. Эти данные свидетельствуют о том, что коровы породы монбельярд физиологически здоровы.*

**Калитли сўзлар:** зот, монбельярд, сигир, қон, морфологик, эритроцит, лейкоцит, гемоглабин, .

**Ключевые слово;** порода, монбельярд, корова, кров, морфологический, эритроцит, лейкоцит, гемоглабин.



**Мавзунинг долзарблиги.** Қорамоллар қонининг морфологик кўрсаткичларни физиологик меъёрлари даражасида сақлаб туриш, қорамолларнинг соғлигини сақлаб, маҳсулдорлигини таъминлашда муҳим амалий аҳамиятга эга. Шунинг учун қорамолларнинг физиологик ҳолатини ва ташқи муҳит шароитларига мослашганлик даражасини ўрганишда, уларнинг қони таркибидаги эритроцитлар, лейкоцитлар ва гемоглабин миқдорини ўрганиш муҳим омиллардан биридир. Сигирларни озиклантириш ва сақлаш омилларидан ташқари, улар қонидаги морфологиясини ўрганиш ва таҳлил қилиш, уларнинг хўжалик фойдали белгиларига таъсир этиш даражасини аниқлашда алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун, сигирларнинг маҳсулдорлигини ва физиологик ҳолатини таъминлашда ушбу омилларни ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Муаллифлар тадқиқотлардан олган натижалари асосида қилган хулосаларига мос келади. Муаллифлар сигирларни тўла қийматли озиклантириш уларнинг қони таркибидаги элементларнинг ошишига ижобий таъсир кўрсатади ва юқори маҳсулдорлик хусусиятларини юзага чиқаришни таъминлайди деб таъкидлаганлар [1,2,3,4,5].

**Тадқиқотнинг мақсади.** Қорақалпоғистон шароитида йил фасллари бўйича монбельярд зотли сигирлар қонини морфологик кўрсаткичларини аниқлаш.

**Тадқиқот ўтказиш жойи ва усуллари.** Тадқиқотлар 2023-2025 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани “Qoniratbay mexgi” наслчилик фермер хўжалигидаги монбельярд зотли сигирларда ўтказилади. Сигирлар қонининг морфологик кўрсаткичлари (ҳар гуруҳдан 5 бошдан) гемоглабин миқдори “Сали” усулида, эритроцит ва лейкоцитлар миқдорлари “Горяев” камерасида санаш орқали ўрганилди.



Маълумотларининг аниқлиги ва ишончилиги spss (Statistical Paskage for Social Science) компьютер дастури асосида таҳлил қилинди.

Тажриба учун ўхшашлик белгилари бўйича келиб чиқиши, зотдорлиги, ёши, тирик вазни, оналарининг сут маҳсулдорлиги, оталарининг зотини ҳисобга олган ҳолда ҳар бирида 15 бошдан иборат 2 та гуруҳ III ва ундан юқори лактациядаги монбельярд зотли сигирлар танлаб олинди.

**Тадқиқот натижалари.** Сигирлар рационининг тўйимлилик кийматини баҳолашда, уларнинг қон кўрсаткичларини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Етук ёшдаги монбельярд зотли сигирларнинг организмда моддалар алмашинуви жараёнларининг меъёр даражада кечиши ўрганилди ва таҳлил қилинди. 1-жадвалда йил фасллари бўйича сигирлар қонининг таркибидаги кўрсаткичларни ўрганиш натижалари келтирилади.

1-жадвал маълумотларидан кўринишича, монбельярд зотли сигирларнинг қонидаги эритроцитлар, лейкоцитлар ва гемоглабин миқдори физиологик меъёр даражада бўлди ва гуруҳлараро унча фарқ кузатилмади. Шунини қайд этиш керакки, тадқиқотларимизда қон таркибидаги ушбу элементларнинг миқдори барча гуруҳларда қолган бошқа фаслларга нисбатан юқорилиги кузатилди.

Масалан, ёзда I гуруҳдаги сигирлар қон таркибидаги эритроцитлар 6,92 млн/мм ташкил этиб, баҳорда, кузда ва қишдагига нисбатан тегишли равишда 1,76; 3,4 ва 4,06%, II гуруҳдаги монбельярд зотли сигирларда бу кўрсаткичларлар 7,05 млн/мм ташкил этиб, I гуруҳдаги тенгқурларникига нисбатан тегишли равишда 1,58; 3,98 ва 4,74% га юқори бўлганлиги аниқланди.

1-жадвал



**Сигирлар қонининг морфологик тартиби, (n=5)**

Кўрсаткичлар	I гуруҳ		II гуруҳ	
	$\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$	Cv, %	$\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$	Cv, %
<b>Баҳорда</b>				
Эритроцитлар, млн/мм <sup>4</sup>	6,80+0,025	0,82	6,94+0,05	1,64
Лейкоцитлар, минг/мм <sup>3</sup>	8,07+0,031	0,87	8,15+0,016	0,43
Гемоглобин, г%	11,04+0,034	0,69	11,09+0,04	0,81
<b>Ёзда</b>				
Эритроцитлар, млн/мм <sup>4</sup>	6,92+0,032	1,03	7,05+0,055	0,74
Лейкоцитлар, минг/мм <sup>3</sup>	8,18+0,021	0,6	8,32+0,037	1,01
Гемоглобин, г%	11,33+0,05	1,06	11,48+0,05	0,95
<b>Кузда</b>				
Эритроцитлар, млн/мм <sup>4</sup>	6,69+0,051	1,70	6,78+0,025	0,83
Лейкоцитлар, минг/мм <sup>3</sup>	8,00+0,032	0,88	8,15+0,033	0,91
Гемоглобин, г%	11,12+0,041	0,82	11,28+0,06	1,16
<b>Қишда</b>				
Эритроцитлар, млн/мм <sup>4</sup>	6,65+0,045	1,50	6,73+0,066	2,20
Лейкоцитлар, минг/мм <sup>3</sup>	7,92+0,052	1,27	8,04+0,045	1,24
Гемоглобин, г%	11,06+0,048	0,98	11,15+0,067	1,35

Қондаги лейкоцитлар миқдори ёзда I гуруҳдаги сигирлар қонида лейкоцитлар 8,18 минг/мм ташкил этиб, бу кўрсаткичлар баҳорда, кузда ва қишдагига нисбатан тегишли равишда 1,36; 2,25 ва 3,28%, II гуруҳдаги сигирлар қони таркибидаги лейкоцитлар 8,32 минг/мм тенг бўлиб, I гуруҳдаги сигирларникига нисбатан тегишли равишда 2,08; 2,07 ва 3,48%га юқори бўлганлиги аниқланди.

Тадқиқотларда ёз фаслида тажриба гуруҳидаги аралашма рационлар асосида озиклантирилган монбельярд зотли сигирлар қони таркибидаги гемоглабин миқдори бошқа фасллардагига нисбатан юқори бўлганлиги кузатилди. Масалан, I гуруҳдаги сигирлар қони таркибида гемоглабин



11,33 г% тенг бўлиб, баҳорда, кузда ва қишдагига нисбатан тегишли равишда 2,62; 1,89 ва 2,44%, II гуруҳдаги сигирлар ёз фаслида қони таркибидаги гемоглабин 11,48 г% тенг бўлиб, бошқа фасллардаги гемоглабинга нисбатан тегишли равишда 3,51; 1,77 ва 2,96% ошганлиги кузатилди.

**Хулоса.** Тадқиқотларда йил фаслларида қатъий назар барча гуруҳлардаги сигирларнинг гематологик кўрсаткичлари гуруҳлараро унча фарқ кузатилмади қонидаги эритроцитлар, лейкоцитлар ва гемоглабин миқдори физиологик меъёр даражада бўлди. Хориждан импорт қилинган монбельярд зотли сигирлар Қорақалроғистон шароитида ёз фаслида кўплаб миқдорда тўйимли моддаларга бой яшил озуқалар, жумладан, хўл беда билан меъёр даражада озиклантирилиши уларнинг қонининг морфологик элементлар билан тўйинганлигини кўрсатади. Ушбу маълумотлар танланган сигирлар илмий тадқиқотлар давомида клиник соғлом бўлганлигидан далолат беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аширов М.Э., Аширов Б.М., Рўзибоев Н.Р. Қизил чўл зотли қорамоллар ва уларни такомиллаштириш. Монография. Тошкент-2020 “Наврўз” Нашриёти -316 б.
2. Kazakova S, Roziboyev N. Exterior of cows with different body structures. 2022. Development and innovations in science 1 (13), 14-17.
3. Рузибоев Н Р. Продуктивные качества коров красной степной породы в условиях жаркого климата. II Меж научно-прок. Ин-т кон «Современное экологическое состояние природной среды и научно-практические аспекты рационального использования» Астрахань, Россия. С. 1428-1431. с. Солёное Займище, 2017 г. 28 феврал Веб сайт. Прикаспийский НИИ аридного земледелия [www/pniiaz.ru](http://www/pniiaz.ru).
4. Рузибоев Н Р. Взаимосвяз хозяйственно полезных признаков у коров с различным уровнем молочной продуктивности. V-ой



Международной научно-практической конференции молодых учёных, посвящённые 25-летию ФГБНУ «Прикаспийский НИИ аридного земледелия». Приоритетные направления развития современной науки молодых учёных аграриев. Астрахань – 2016, с. 620-622.

5. Шевхуев А.Ф., Смакуев Д.Р., Меремшаова Э.А.,  
“Морфологическим и биохимическим показателям крови коров симментальской породы различных внутрипородных типов” // Ж.Молочное и мясное скотоводство. №4. 2014, с. 32.